

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1434-ҳадис

1434 - وَعَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا انْصَرَفَ مِنْ صَلَاتِهِ اسْتَغْفَرَ ثَلَاثًا، وَقَالَ: «اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ، وَمِنْكَ السَّلَامُ، تَبَاكَتْ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ» قِيلَ لِلأَوْزَاعِيِّ - وَهُوَ أَحَدُ رُوَاةِ الْحَدِيثِ -: كَيْفَ الْإِسْتِغْفَارُ؟ قَالَ: تَقُولُ: أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [591].

1434. Савбон розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозларини тугатганларида уч марта истиғфор айтар ва «Аллоҳумма, антас[салаам ва минкас[салаам, табаарокта зал[жалаали вал[икроом»* деб айтардилар».

«Авзоъийга «Истиғфор қандай бўлади?» деб айтилганида, у: «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ» дейсан», деди».

* Маъноси: «Аллоҳим! Салом Сенсан ва салом Сендандир. Қутлуғсан, эй улуғлик ва ҳурмат соҳиби», «Астағфируллоҳ» – Аллоҳдан мағфират сўрайман.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Намозни ўқиб бўлиб, салом бергандан кейин қимирламай туриб уч марта «Астағфируллоҳ» дейиш ва «Аллоҳумма антассалом»ни охиригача ўқиш ҳозирда расм бўлган ва унга амал қилинади.

Бу ҳадис ва бошқа ривоятларда келгани каби Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам фарз намозидан кейин уч марта «Астағфируллоҳ» деб, Аллоҳумма антас салом зикрини ўқилиши қадар вақт ўтирар, агар ундан кейин суннат намози бўлса ҳамон ўрниларидан турар ва уйларига бориб суннат намозини ўқир эдилар. Фақат бомдод намозидан кейин суннат намози ўқимаганлари учун баъзан кун чиққунча жойларида ўтирардилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг намоздан кейин истиғфор

айтишларининг сабаби, Роббиларига етарлича ибодат қила олмасликнинг бир узри деб билсак бўлади.

Эй Аллоҳим, Сен саломсан! Демак, буюклигинг ва устун сифатларингга тўғри келмаган ҳар турли нуқсондан узоқ ва муназзаҳсан, демакдир. Салом Сендандир демак, барча яхшиликлар сендангина бўлади, сен бизга омонлик берсанг дунё ва охирада бахтиёр бўламиз, бермасанг бахтсиз бўламиз, демакдир. Ҳолбуки сулҳ ҳам, тинчлик ва хурсандчилик ҳам Жаноби Ҳақнинг лутфи билангина бўлади. Шунинг учун инсон, тинчлик ва тотувлиикни биринчи Аллоҳдан сўраши керак. Таборакта сўзи, Сен яхшилик ва барокати мўл бўлган Зотсан демак билан бирга, золимлар айтганидек яратилганларга хос бўлган сифатлардан муназзаҳсан, Сен лойиқ ибодат қила олмайдиган даражада буюк зотсан, демакдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу зикрларни Аллоҳнинг 99 исмининг охиргиси бўлган, «Зул Жалали вал икром» исми билан якунламоқдалар.

Манба: hadis.islom.uz

